



МЕЪРОЖНОМА АСАРИДА УСЛУБ МАСАЛАСИ

Жаҳонгир ТУРДИЕВ

ORIENTAL университети,

Шарқ тиллари кафедраси

доцент в.б., филол.ф.б.ф.д (PhD)

тел: +99897 776 99 41

e-mail: jahongirshoh15@mail.ru

jahongirturdiyev15@gmail.com

Аннотация: Меърож Ислом тарихида юз берган машхур воқеалардан бўлиб, мумтоз шарқ адабиётида алоҳида эътибор қаратилган мавзулардандир. Адабиётда “Меърож” билан бир қаторда “Исро” сўзи қўлланилади. “Исро” Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни кечанинг бир бўлагиди Маккадаги Масжидул Ҳаромдан Қуддусдаги Масжидул Ақсога сайр қилдиришидир. “Меърож” Аллоҳ таоло сўнгги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Қуддуси шарифдан юқорига яъни, Ўзининг ҳузурига кўтаришидир. Шу ҳодисага бағишлаб ёзилган асарлар “Меърожнома” деб аталади. Бунинг сингари асарлар дастлаб араб адабиётида яратилди. Кейинчалик форс ва туркий адабиётда ҳам “Меърожнома”лар мустақил асар сифатида шакллана борди. Шунингдек, ушбу асарнинг туркий таржималари ҳам пайдо бўла бошлади. Илмий мақоламизда туркий тилга таржима қилинган “Меърожнома” асарининг мантшунослик тадқиқи ҳам ёритилди.

Калит сўзлар: Ўзбек таржима мактаби, Меърож, қўлёзма, матншунослик тадқиқи, таянч манба.



Аннотация: Мирадж - одно из самых известных событий в истории Ислама и одна из самых важных тем в классической восточной литературе. В литературе вместе со словом «Меродж» используется слово «Исра». «Исра» означает, что перенесение Мухаммада (да благословит его Аллах и приветствует) по воле Аллаха от мечети аль-Харам в Мекке до мечети аль-Акса в Иерусалиме в течение одной части ночи. «Мерадж» - это вознесение последнего Пророка Мухаммада (мир ему и благословение Аллаха) из Иерусалима в небеса к Аллаху. Произведения, посвященные этому событию, называются «Мираджнама». Подобные произведения изначально были созданы в арабской литературе. Позднее в персидской и тюркской литературе «Мираджнама» сложилась как самостоятельное произведение. Также начали появляться тюркские переводы этого произведения. В нашей научной статье также рассматривается текстологическое исследование произведения «Мираджнама», переведенного на тюркский язык.

Ключевые слова: Узбекская школа перевода, Мирадж, рукопись, текстовое исследование, первый источник.

Abstract: Miraj is one of the most famous events in the history of Islam and one of the most important themes in classical oriental literature. In literature, the word "Isra" is used together with the word "Meroj". "Isra" means that the transfer of Muhammad (peace and blessings of Allaah be upon him) by the will of Allah from the Al-Haram Mosque in Mecca to the Al-Aqsa Mosque in Jerusalem during one part of the night. "Meraj" is the ascension of the last Prophet Muhammad (peace and blessings of Allah be upon him) from Jerusalem to heaven to Allah. The works dedicated to this event are called "Mirajnama". Such works were originally created in Arabic literature. Later in Persian and Turkic literature, Mirajnama was formed as an independent work. Turkic translations of this work



also began to appear. Our scientific article also examines the textual study of the work "Mirajnama", translated into the Turkic language.

Key words: Uzbek School of Translation, Miraj, manuscript, text research, first source.

Бадиий услуб ёзма услубнинг бошқа турларидан айри ўларок, бадиий тасвир воситаларининг кенг ишлатилиши, баён тарзи, стилистик ўлчовларининг эркинлиги, турли-туманлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, бадиий матн мақол ва иборалар, бадиий тасвир воситаларининг кенг қўллануви билан таъсирлидир. Матн услуби муаллифнинг ёки асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиришга, асарнинг бадиий ғоявий таъсирини оширишга хизмат қилади.¹

Аждодларимиз томонидан бизга мерос бўлиб қолган қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ қилар эканмиз, уларнинг дунёкараши, тафаккури нечоғлиқ кенг ва бой эканлигига гувоҳ бўламиз. Қўлёзма асарларнинг тилини, тузулишини, услубини тадқиқ этиш жараёнида бизга маълум бўлмаган қирралари намоён бўлиб бораверади. Айниқса, асарларда бадиий услуб воситаларининг кенг қўлланилганлиги, асар жозибаси ва қимматини янада оширади. Маълумки, диний мазмундаги адабиётлар ислом руҳини акс эттириб, Қуръондан олинган оятлар билан бойитилган. Диний адабиёт хоҳ у насрдан, хоҳ назмдан иборат бўлсин, Қуръони Карим оятлари ва турли муҳаддисларининг ҳадисларисиз тасаввур қилиш қийин албатта. Бу эса аксарият ҳолларда, баён қилинаётган фикрнинг, диний ғоянинг тўғри эканлигини тасдиқлаш учун хизмат қилади. “Меърожнома” асари мисолида ҳам буни кўришимиз мумкин. Шунингдек, асар асосини ҳадислар ташкил этади.

¹ Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Т., 2010. –Б. 14-15.



Туркий тилдаги “Меърожнома” асарининг тўлиқ ва энг қадимги вариантларидан бири Уйғур ҳарfli бу қўлэзма бўлиб, ҳозирги кунда Франция миллий кутубхонасида Suppl. Turc. бўлимида 190 рақами остида сақланмоқда. Ушбу қўлэзма “Меърожнома” ҳамда Фаридиддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё” асарларидан иборат. Қўлэзманинг 1b - 69a саҳифалари “Меърожнома”, 70-264 саҳифалари эса “Тазкирату-л-авлиё” асарини ўз ичига олади. Уйғур ёзувли бу қўлэзма ҳижрий 840 (мелодий 1436-1437) йили Ҳиротда Абу Малик баҳши томонидан кўчирган. Бу хусусда шундай таъкидланади: *Tazkirada bitilgān mašayix avliyālarniñ hikāyat sözlāri tügätildi. Tarix sekiz yüz qırqta at yil jumadu-l-axira ayniñ onida Haruda Abu Malik baxši bitidim*². (Саккиз юз қирқ тарих, от йили, жумаду-л-охир ойининг ўнинчисида Ҳиротда Абу Малик баҳши ёздим). Бу тарих қўлэзма таркибидаги “Меърожнома” асари учун ҳам тааллуқлидир

Халқимизнинг маънавий меъроси бўлмиш “Меърожнома” асари туркий тилдаги таржимасининг уйғур ҳарfli нусхаси “Атабату-л-ҳақойиқ”дан саккиз йил, “Қутадғу билиг” асарларининг уйғур ҳарfli нусхаларидан уч йил аввал кўчирилганлиги уни неқадар аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

“Меърожнома” ҳам ўзига хос диний баён услубида битилган асарлардан биридир. “Меърожнома” матнида воқеалар ажойиб раван тил билан баён этилган.

“Меърожнома”да баён ритми ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг таъсир даражаси ва аҳамияти билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Кўп ҳолларда воқеалар диалоглар тарзида ҳикоя қилинади.

Диалоглар асосан Муҳаммад Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошқа пайғамбарлар билан, Жаброил алайҳиссалом билан ва Мусо алайҳиссалом умматлари билан суҳбатлари, савол-жавоблари шаклида ўз ифодасини топган.

² Sertkaya O.F. İslami Devrenin Uygu Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Boçum: 1977. -S 12.



Қуйида Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамда Мусо алайҳиссалом умматлари ўртасидаги суҳбатдан мисол келтирилган:

*“Yänä äyttimkim: nečük türür ewlaringizniñ böyi teñ türür teb. Äytilärkim: äniñ üčünkim, ārämizda xasadluq, takabbur yoq türür. Yäna men äyttim: nečükdin masjidlaringiz yirāq türür, taqī göristānlaringiz yavuq türür teb. Älär äytilärkim: masjidni äniñ üčün yirāq yäsāb türürbizkim, savābimiz köb bolğay. Taqī göristānni äniñ üčün yavuq qilib türürbizkim, ölümni unutmağaybiz”*³

“Меърожнома”да келган ҳадисларда бир нарса бошқа нарсага ўхшатилиб таърифланганини кўришимиз мумкин. Матндан мисоллар келтирамыз:

*“Yäna ül ikki ariqkim üstüni yapuq türür. Biri Salsabil süyi türürkim uçmaqta aqar. Birisi Kavsar havziqa barur. Ül ikki süv süttin aqraq, baldin sujukraq türür”*⁴(Яна у икки арикни устуни ёпикдир. Бири жаннатда оқадиган Салсабил сувидир. Бириси эса Кавсар ҳавзига боради. У иккала сув ҳам сутдан оқроқ ва асалдан ширинроқдир.) Сўнгги жумлага эътибор қаратсак, бу жумлада ариқлардаги сувнинг ажойиб тарзда тарифланганини кўришимиз мумкин. Қиёсий даража қўлланилган ушбу жумлада сув кўриниши жиҳатдан сутдан ҳам оқроқ, (*süttin aqraq*) ва таъми асалдан ҳам ширинроқ (*baldin sujukraq türür*) эканлиги баён қилинмоқда.

*“Yänä tamuqqa kirgän kāfirlariñ terisiniñ qalınliğı qırq qarī bolğay. Taqī tişlari Uhud tağı çağlıq bolğay”*⁵(Яна дўзахга кирган кофирларни терисининг қалинлиги қирқ қарич бўлади. Яна тишлари Уҳуд тоғидек бўлади). Сўнгги жумлада кофирларнинг тишларини катталигини ифодалаш учун Уҳуд тоғидек эканлиги айтилган.

*Butaqlariniñ bir nečäsi zābārjāddin, bin nečäsi injüdin, yaburqaqlari filniñ qulağitek, mevälari uluq.*⁶ (Бутоқларининг бир нечтаси забаржаддан, бир нечтаси дурдан,

³ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. Paris-1882 P. 42-43.

⁴ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. –P. 18.

⁵ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. Paris-1882 P. 40-41

⁶ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. –P. 17.



япроқлари филнинг кулоғидек, мевалари катта). Бу жумлада дарахт япроқлари филнинг кулоғидек катта эканлиги назарда тутилган.

*Yänä tamuq eli tamuq içindä anča yığlağaylarkim yüzläri ariqtek çuqur bolğay.*⁷
(Яна дўзах аҳли дўзах ичида шу қадар йиғлайдики, юзлари арикдек чуқур бўлади).

*Yänä tamuq içindä bir yığaç kördüm. Yoğanlıği beş yüz yilliq erdi. Taqı tikänläri näyzädek, yemişläri devlär başidek*⁸ (Яна дўзах ичида бир дарахт кўрдим. Йўғонлиги беш юз йиллик эди. Яна тиканлари найзадек, мевалари девлар бошидек). Бу жумлаларда ҳам бир нарса таърифи бошқа нарсага ўхшатилмоқда. Дарахтнинг йўғонлиги шу қадар қалинки беш юз йиллик йўлдай. Унинг тиканлари найзадек катта, мевалари эса худди девлар бошига ўхшаш.

*“Jabrāil barīb nazar saldī. Körärkim, öz qudratı birlä Tāñri ta’ālā qulları ücün köb türlük ne’mätlär āmade qılmışkim, heç köz körmiş yoq, heç qulaq eşitmiş yoq”*⁹ (Жаброил бориб назар солди. Тангри таоло ўз қудрати билан бандалари учун кўз кўриб кулоқ эшитмаган жуда кўп турли неъматларни ҳозирлаб қўйганини кўрди). Юқоридаги жумлада “кўз кўриб кулоқ эшитмаган” ибораси қўлланилганини кузатамиз.

Мазкур мисоллардан кўриниб турганидек, насрда битилган бу жумлалар бир қатор бадий тил воситалари ва бадий тасвирий воситаларининг қўлланилиши туфайли ўзига хос жозибадорлик касб этади.

Услуг нуқтаи назаридан олиб қаралганда “Меърожнома” бошқа асарларга қараганда ўзининг қисқа ва соддалиги билан ажралиб туради. Асосийси воқеалар халққа тушунарли тилда ва равон баён қилинади. Бу ҳол бежиз эмас албатта. Кўпроқ китобхон оммасига янада тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида содда ва равон баён тарзи танланган бўлиб, узундан-узон мураккаб жумлаларнинг йўқлиги “Меърожнома” мазмунини тушунишни осонлаштиради.

⁷ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. –P. 41.

⁸ Ўша манба. –Б. 34.

⁹ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh. –P. 26.



“Меърожнома” асарининг тили бир-биридан сезиларли фарқ қиладиган икки бўлакдан – муаллиф нутқи ва ҳадис ровийси нутқидан иборатдир.

Асарда муаллиф нутқи асосан ахборот характериға эға. Муаллифнинг ахборот берувчи нутқи ўқувчига асар мазмунини тўлақонли англашида ёрдам беради. Шунингдек, муаллиф нутқи орқали ўз нуқтаи назарини ифодалайди ва ўқувчини воқеалар жараёниға киришға руҳан тайёрлайди. “Меърожнома”нинг туркий версиясида муаллиф (таржимон) нутқи дастлаб муқаддимада келган бўлиб, ахборот характеридаги ушбу нутқдан биз асар номи, қайси китобдан ўтирилганлиги, нима мақсадда туркийға таржима қилинганлиги ҳақида тўла маълумотға эға бўлишимиз мумкин:

“Emdi bilgil-kim, bu kitabniñ atı “Merajnama” türür. “Nahj ul-faradis” atliq kitābdin türk tiligä evürdük. Köp kişilärgä fāyda teksün tep, Täñri ta’ālāniñ tavfiqı birlä tamām bitilib, xalāyiqniñ köñli közigä širin körüngäy¹⁰”

Шундан сўнг асарнинг асосий қисми бошланган ва биринчи бўлим бошида араб тилида ҳадис келтирилган. Ҳадиснинг арабча матнидан сўнг *“Bü hadisniñ ma’nisi antaq türürkim...”*, ¹¹ жумласида яна муаллиф нутқи келтирилган.

Иккинчи бўлим бошида ҳам муаллифнинг ахборот берувчи нутқини кўришимиз мумкин:

“Emdi yana rasul alayhi-s-sallāmniñ uçmaq tamuqni tafarruj qılğanin bayan qılalī. İmām Bağavıy rahmatullāhi alayhi “Masābih” atliq kitābinda bü hadisni keltirmiş türür. Farsi bitidi.”¹² (Энди яна расул алайҳи-с-салломнинг жаннат билан дўзахни томоша

¹⁰ Courteille, Pavet de. Mirād-j-nāmeh. Paris-1882. P 1.

¹¹ Ўша манба. –Б. 2.

¹² Courteille, Pavet de. Mirād-j-nāmeh. Paris-1882 P. 24.



қилганини баён қилайлик. Имом Бағавий раҳматуллоҳи алайҳи “Масобих” номли китобида бу ҳадисни келтирадир. Форсий ёзилди).

Демак, юқорида келтирилган муаллиф нутқидан шу нарса маълум бўладики, иккинчи бўлимда Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жаннат ҳамда дўзахни томоша қилганлиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, муаллифи имом Бағавий раҳматуллоҳи алайҳ бўлган “Масобих” номли асардан бир ҳадис келтирилганлиги ва бу ҳадис форс тилида битилганлиги китобхонга ахборот тарзида баён қилинади.

“Меърожнома”да ровий нутқи асарнинг асоси бўлмиш ҳадисларни баён қилишдан иборатдир. Биринчи бўлим бошида келган ҳадиснинг ровийси Анас ибн Моликдир. *“Anas ibn Mālik rasul alayhissalāmdin rivāyat qīlurkīm”* жумласидан ҳадис ривоят қилувчининг кимлиги билишимиз мумкин ва ана шу жумладан сўнг ровий нутқи яъни, ҳадиснинг баёни келтирилади.

Шунингдек, *“Yānā Mālik atliq sahāba Aliniḡ qīz qarīndašī Ummuhaniy atliqdīn rivāyat qīlurkīm”*¹³ жумласидан, навбатдаги ҳадиснинг ровийси ҳам Анас ибн Молик эканлиги маълум бўлади ва келтирилган ҳадис ровий нутқи ила баён қилинади.

“Меърожнома”да келтирилган оят ва ҳадисларнинг аксариятини туркий тилдаги маъно таржимаси берилган. Бу асарнинг ўзига хос услуби бўлиб, бундан кўзланган мақсад фикрни ўқувчига осон етиб боришини таъминлашдир. Баъзи асарларда келтирилган оят ва ҳадисларнинг маъно таржимаси берилмайди ва бунинг натижасида оддий китобхон учун асарни тушуниш қийин бўлади. Масалан, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий” асарида ҳам кўплаб Қуръон оятлари ва ҳадислар ишлатилгани маълум. Аммо, “Маснавий”да уларнинг кўпчилигини маъно таржимаси берилмаган. Шу сабабли уларни тушуниш учун ўқувчи махсус тайёргарлик кўрган

¹³ Ўша манба. –Б.2.



бўлиши лозим. Юқорида зикр қилганимиздек, “Меърожнома” асарида оят ва ҳадисларнинг маъно таржимаси келтирилган. Бу бир тарафдан китобхонлар учун асарнинг мазмунини янада аниқроқ тушуниш учун имкон яратса, иккинчи тарафдан асарнинг қиймати ва унда баён этилаётган фикрларнинг таъсирчанлик кучини яна бир қарра оширади.

Биринчи бўлим бошида саҳоба имом Бағави раҳматуллоҳу алайҳнинг “Масобих” номли китобидан араб тилидаги ҳадис келтирилган. *Bü hadisniñ ma'nisi antaq türürkim* деб, унинг туркий таржимаси қуйидагича берилган:

*“Anas ibn Mālik rasul alayhissalāmdin rivāyat qilurkīm, Jabrāil Me'rāj tünindä kelib meniñ üçün bir Burāq keltürdi. Eyärlik, yügänlik. Rasul alayhissallām Burāqqa minäyin tesä Burāq qoymas erdi. Jabrāil äytti: ya Burāq Muhammaddin azizrāq sanga Täñri ta'ālā dargāhida heç kimerse minmadi teb tedi. Ersä Burāq terläb teri aqa başladı.”*¹⁴

Мазкур ҳадисда шундай композицион қурилиш кўзга ташланади: Ҳадис нақл қилувчининг исмини зикр қилиш билан бошланади. (Ҳадис Анас ибн Молик тилидан ривоят қилинади). Сўнгра ҳадиснинг асосий қисми баёнига ўтилади ва нихоят ҳадис пайғамбаримизнинг сўзлари билан якунланади.

Туркий тилдаги “Меърожнома” асари ва унда бадиий воситаларнинг ишлатилиши ўзбек адабиётини узоқ тарихга эгалигини кўрсатади.

Асарда келтирилган ҳадислар темурийлар даврида жамият ривожини ва халқнинг соф ислом руҳияти билан суғорилган манбалар билан тарбиялаш усули тўғри йўлга қўйилганидан далолат беради.

¹⁴ Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâme. Paris-1882 P. 2.



Темурийлар даврида туркий тилга ўтирилган “Меърожнома” асари ўзбек таржима адабиётининг ривож ва юксак даражага кўтарилгани ҳақида маълумот беради.

Адабиётлар:

1. COURTEILLE, Pavet de (1882). *Mirâdj-nâme*, Récit de l'Ascension de Mahomet au Ciel Composé A.H. 840/1436-1437. Amsterdam: Philo Press.
2. ECKMANN, Janos (2003). ‘Harezmi, kıpçak ve çağatay türkçesi üzerine araştırmalar’ Ankara.
3. SERTKAYA, Osman Fikri (1977). *İslami Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış*. Boçum.
4. СОДИҚОВ, Қосимжон (2006). Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент.
5. СОДИҚОВ, Қосимжон, ОМОНОВ Қудратилла (2010). Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. Тошкент.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд Тошкент-2002.
7. АН-НАИМ. Арабча-ўзбекча луғат. Тошкент- 2003.
8. Древнетюркский словарь. Ленинград, 1969.